

# I БОБ. АБДУЛЛА ОРИПОВ ПОЭТИК ТАФАККУРИ- НИНГ АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ИЛДИЗЛАРИ

## 1.1. Ижодкор поэтик тафаккури ривожида ҳалқ оғзаки ижодининг ўрни

Жаҳон адабиётшунослигига ижодкор адабий-эстетик тафаккури, ижодий концепцияси тўғрисида илмий-назарий масалалар мавжуд. Булардан бири муайян ижодкорнинг ўзига хослигини таъминловчи поэтик мазмун ва тафаккур янгиланиши ҳодисасига муносабатдир. Поэтик тафаккур тушунчаси дастлаб Аристотель қарашларида учрайди. Бу тушунчанинг янги кўришлари замонавий илмда Хайдеггер, француз файласуфи ва адабиётшуноси Жак Деррида тадқиқотларида намоён бўлди.<sup>2</sup> У фалсафа ва шеъриятнинг ўзаро яқинлиги ҳақида фикр билдириб, фалсафий матннинг (бу ерда шеъриятга ургу берилган) тузилиши, матн турларининг ўзига хослиги ва хилма-хиллиги, таъсир қилиш ва яратиш моделлари бўйича ўрганиш лозимлиги тўғрисидаги тезисни илгари суради.

Дунё адабиётидаги поэтик тафаккур тадрижи масаласини олимлар ижод психологияси, ижодий лаборатория, лирик қаҳрамон ва шоир бирлиги асосида таҳлил қилиш муаммосига аҳамият қаратадилар. Аслида, истеъдодли ижодкор ўзидан олдинги анъанани инкор этмаган ҳолда, мутлақо янги мезон ва ёндашувларни адабиётга олиб киради. Бу эса бадиий адабиёт, адабий жараён мазмунини ҳам бойитади. Янгича қарашлар ва ифода йўсинининг бошловчиларидан бўлади.

<sup>2</sup> <https://postmodernism.academic.ru> Постмодернизм. Словарь терминов. — М.: ИИОН РАН (отдел литературоведения) - INTRADA. Ильин И. П.. 2001.

Инсон боласи доимо ўзини ўраб турган мұхитни тадқиқ қилишни, ўрганишни ва моҳиятини англашни яхши күради. Айниңса, мубҳам ёки ақл ва идрок күпинча ожизлик қиласынан жиҳатларга қизиқиши табиий. Шу боис бўлса керакки, минг йиллик оғзаки мерос замирда руҳ, туш, ғайб, хуллас, космогоник илмлар сирини очишга бўлган интилишларни кузатамиз. Демак, ҳалқ оғзаки ижоди дастлаб, олам ва одам синоатлари инкишоfigа ҳайрат ўлароқ майдонга келган десак, иккинчидан, бадииятга руҳан эҳтиёжмандлик сабабли поэтик тафаккур тарзини ҳам шакллантириди. Дунё ва ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди мотивларини кузатадиган бўлсак, барчасида узвий боғлиқлик, мазмунан яқинликни кўриш мумкин. Ёзма адабиёт пайдо бўлгунга қадар яратилган ҳалқ ижоди жаҳон бадиий тафаккурининг тарихий асоси десак, асло хато бўлмайди. Ҳалқона ижоднинг дастлабки тамойиллари, қатъий анъанавий шакллари, турлари ва қисман баъзи образлари кейинги бадиий тафаккур тарзига таъсир кўрсатди. Матал, мақол, эртак, масал, қўшиқ жанридаги асарларда яхшиликка интилиш, ёмонликнинг муқаррар жазосини кўрсатиш, ростгўйликни тарғиб этиш, табиат ва жониворларга шафқатли бўлиш ғоялари ўз ифодасини топган. Бу каби ижтимоий ва эстетик идеал кейинги ёзма адабиёт намуналарида турли жанр ва образларда ҳам намоён бўлди. Ҳалқ оғзаки ижоди намуналарига хос мавзулар, эртак, достон, қўшиқ афсона жанрлари мотив ҳамда сюжетлари, энг аввали, муайян миллат психологияси, тафаккур тарзи ва менталитетини ифодаловчи восита ҳамdir.

Шунинг учун инсон ёшидан қатъи назар ҳалқ эртаклари, қўшиқлари, достонларини тинглагандан беихтиёр сукутда қолади. Бунда бамисоли олис сафардан қадрдан уйга қайтгандек, қаттиқ чанқокдан сўнгра қониб сув ичгандек ҳиссиёт пайдо бўлади. Қолаверса, ҳалқ оғзаки ижоди намуналарининг лейт-

мотиви, бадиияти, шакл ва мазмуни кишида бадиий тафаккурни шакллантириши билан ҳам аҳамиятли-дир. Аниқроқ қилиб айтсак, ижодга иқтидори бўлган шахсларда ўз қобилиятини кашф этишига туртки бўлиши мумкин. Бунга ғарб ва шарқ, жумладан, ўзбек адабиётида ҳам мисоллар кўп. Ўзбек халқининг ўзлиги, миллатнинг вужудга келиши, орзу-армонларини акс эттирган сюжет ва халқ қаҳрамонларининг типик образлари кейинги давр бадиий адабиётига салмоқли таъсир кўрсатди.

Яъни халқ оғзаки ижоди таъсирида юқорида таъкидлаганимиз ҳиссиётлар асосан, руҳий жараён бўлиб, айрим шахсларда руҳий-ижодий баркамоллик касб этади. Масалан, Пушкин, Ҳамид Олимжон шахсияти ва ижоди фикримизга мисолдир. Бўлажак ижодкорлар руҳияти, мантиқий ва ижодий тафаккур қобилиятини ривожлантиришга айнан ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар билан танишувнинг ўрни бекиёс бўлган. Яъни энг аввало, образли тафаккур қилишни, руҳиятида туғилган ҳиссиётни бадиий шакл асосида намоён эта олиш қобилиятини ўстиради. Қолаверса, халқ оғзаки ижоди намуналадаги қисқа, лўнда фикрлар, қофиядошлиқ бўла-жак ижодкорда рифмаларни ўз ўрнида қўллай олиш салоҳиятини ҳам пайдо қиласди. Ҳамид Олимжон дostonларидаги қўйма сатрлар, шеърларидаги халқона образлар замонавий шеъриятимизда халқ оғзаки ижоди оҳангларининг давомийлигига яққол мисолдир.

Ижодкор гўёки рассом ўлароқ, болалик хотираларини эртакнамо манзара тасвири уйғунлигига катта маҳорат билан тасвирлайди. Асарларидаги сюжет чизиқлари ўта нозиклик ва халқ оғзаки ижоди мотивлари ҳайрати билан тўлиб-тошган. "Болалик кунларимда, уйқусиз тунларимда", бу каби бошланмалар асосан, эртакларга хос. Ўтмишга саёҳат қилиш учун дастлабки эскиздир. Кўп эртак ва чўпчаклар,

сирли учар отлар, парилар тасвири, ботирларнинг ов ва жанг сафарлари – буларнинг барчасини қарийб ҳамма қаламкашлар поэтик тафаккурига пойдевор бўлган, десак янгишмаймиз. Демак, қадимий ўзанлардан, теран томирлардан илҳомланиш барча замонавий муаллифлар ижодига ҳам хос хусусиятлардан биридир. Бу ҳолат у ёки бу ижодкор асарларининг мазмунини ташкил этмаслиги мумкин, лекин унинг элементлари ёрқин намоён бўлган шеър, ҳикоя ва қиссалар мавжуд. Бундай унсурларга эртак ёки дostonга хос сюжетларнинг бўлаклари, бошланмалар – синтактик конструкциялар кабиларни киритишмиз мумкин. Қолаверса, иқтидор ва машаққатли меҳнат, матн устида тинимсиз изланишлар юксак асарларнинг туғилишига замин тайёрлайди. Шоир ёки ёзувчи дастлаб, халқ оғзаки ижоди, кейинчалик мумтоз сўз санъати билан чуқур танишуви натижасида ўз услуби ва йўлини топа боради.

Аксарият юксак ижод вакилларининг тарихий йўлига назар ташлайдиган бўлсак, биринчи ўринда ижтимоий муҳитга эътибор қаратилади. Лекин бизнинг назаримизда, эътирофдан кўра, кўпроқ ўша муҳит билан чиқиша олмаслик, ундан норозилик кайфияти ҳақиқий ижодкорни ёхуд СўЗни кашф этади. Тўғри, шоир адабиёт оламига кириб келган кезларда, унинг ҳаётий тажрибаси ёхуд ижодий тайёргарлиги етарли бўлмагандир, лекин истеъдод эгаларининг ўзига хос савқи табийиси, яна ҳам аниқроқ айтганда, “пайғомлар”ни қабул қилишга муносиб қалб кўзи очиқлигини инкор қилиб ҳам бўлмайди.

XX аср ўзбек адабиёти ижод оламига ўз сўзи, овози билан бетакрор, фавқулодда истеъдодга эга бўлган бир гуруҳ шоир ва адилларни маънавиятимиз ривожи учун энг зарур вақтда тақдим этди. Миллий адабиётимизнинг фидойиларидан бўлган Абдулҳамид Чўлпон ва Фитратлар бошлаб берган янги тизим, самимий мисралар, инсон қалби манзараси инки-

шофини мақсад қилған сатрларга эга вазн кейинги шеърият табиатини белгилашда мұхим омил бўлиб хизмат қилди.

ХХ асрнинг ўрталаридағи ўзбек лирикаси давр шеъриятида алоҳида мақомга эга. Негаки сохтакорлик, қуруқ шиорбозлик давом этаётган тарихий бир шароитда инсон кўнгли, қалбида кечәётган инжад туйғуларни айта олиш улкан ҳодиса эди.

Абдулла Орипов мана шундай шоирлар сирасига киради. У шеърият билан бирга ўсди, улғайди. Худди туйғулари камол топиб, чўнглашиб боргани каби адабиётга қараши, унинг масалаларига муайян муносабати ҳам шаклланиб борди. Ҳар бир одам ўзига хос индивидуал қобилият ва интеллект соҳиби. Лекин бунинг ўзи етарли эмас. Одам маълум соҳада муайян натижага эришиши учун, албатта, илмий ва амалий мактабларни ўтамоғи лозим. Абдулла Орипов мана шу мактабни улуғ устозларга маънавий шогирдликка тушиш, қолаверса, ҳаёт тажрибаси ёрдамида ўтади. Республикализнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг муҳокамасига бағишлиланган мажлисда: “Абдулла Ориповдек шоирлар юз йилда бир марта дунёга келади”<sup>3</sup>, деб айтган эди.

Лекин шеърларида, барибир, халқона оҳанглар, тасвирдаги халқчиллик, инсон ва жамиятнинг азалий орзуси қайсиdir нуқталарда сақланиб қолаверади. Масалан, “Қасам дара” каби фожеий, “Ҳангома” (Абдулла Орипов ижодидан) сингари ҳажвий асарларда бу нозик чизиқларни пайқаш қийин эмас. Айрим ўринларда лирик қаҳрамоннинг ҳолатини тасвиrlашда бундай жиҳатларни кузатиш мумкин. Абдулла Орипов “Чўпон” шеърида кенг далалар, най навоси ва сурув сурудида “Алпомиш” достонига хос

<sup>3</sup> Иқтибос қуидаги манбадан олинди: А.Орипов. Адолат кўзгуни. - Т.: Адолат, 2005.

кайфиятни уйғота олади. Ўзбек замини, ўзбек миллати шу кичик асарда йирик планда тасвирланади. *Саргаймасин сен севган чаман, қуrimасин сен ичган булоқ* – дея фақатгина она юрт бағрида ҳақиқий илҳомга эришишини, шодликка тўлишини ёзади. "Одамлар" шеърида эса ўзбекона руҳнинг, тантиликнинг, саховат ва жавонмардликнинг ёрқин намунасини кўрсатади. Ўзбекчиликнинг ёзилмаган олтин қоидасидан бири меҳмонни атойи Худо деб билишdir. Шеърда ҳам қўноқ ва мезбон образларининг хатти-ҳаракатида кимлигидан қатъи назар одамга илтифот кўрсатиш миллатимизга хос анъана сифатида талқин этилган. Шеър финали ғоятда гўзал. Шоир ҳар қандай таъма ва чекловдан ҳоли меҳмондўстликни улуғлайди. Асадан шундай хулоса чиқариш мумкин: бу менинг ўзлигим, миллийлигим, халқимнинг сиймоси ва ҳоказо.

*Тун ҳам оғиб борар, болалар тарқар,  
Уй-уйига дейди, тепа тўйига.<sup>4</sup>*

Оlam ва одам муносабатларини, уйғунлигини, яхлитлигини ўрганишда энг дастлабки уринишлар халқ ижодиётининг мундарижасини ташкил этади.

*Томда товуқ ётарми,  
Оёқлари қотарми.  
Эндининг боласи  
Намозшомдан қотарми.*

*Кел, ҳо-о-о...*

*Оқ кучуквачча,  
Қора кучуквачча.  
Уйидан чиқмаган  
Ола кучуквачча.*

*Кел, ҳо-о-о...*

<sup>4</sup> Орипов А. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2019. – Б.514.

“Қишлоқ оқшомлари” шеърида ибтидоий, нодир ва ўз навбатида, баъзан фалсафий асосига эга манбалар билан кенг танишиш бадиий тафаккурнинг ривожида муҳим роль ййнаганини термаларнинг шеърга олиб кирилишида кўриш мумкин бўлади. Шоирнинг ўзи бунга ишора қилар экан “...қишиларида тўйларга қўшни туманлардан номдор баҳшилар келиб, тонг отгунча достон айтишарди. Биз болалар баҳшини тинглай-тинглай бир-бири мизга биқинишиб ухлаб ҳам қолар эдик. Янглиш масам, ўшандада Умур шоир деган баҳшининг достонларини кўп эшитганман”<sup>5</sup>, деб хотирлайди.

Биз бу хотиранинг таъсири кейинчалик ўзбек халқ оғзаки ижодидаги ифода йўсини, бадиий тасвир воситаларидан илҳомланиш, фольклор мотивлари, халқона образларнинг поэтик ифодаси тарзида намоён бўлганини кузатамиз. Тафаккур фалсафа, мантиқ, психология соҳаларининг ўрганиш обьекти бўлиш билан бир қаторда адабиётшунослик учун ҳам хос мавзулардан саналади. Чунки ижод лабораторияси, ёзувчи бадиий тафаккури ва унинг инъикоси доим мунаққидларни ҳам қизиқтириб келган.

“Америкалик психолог Ф. Беррон эллик олтитадан иборат ёзувчи ватандошлари гуруҳини тестлар ёрдамида текшириб, айнан ижодкорлар орасида ҳиссиёт ва сезги жуда ривожланганини ва рационалликдан устун бўлишини исботлайди. Яъни 56 та субъектнинг 50 нафари “интуитив шахслар” (89%) бўлиб чиқди. Бадиий ижоддан узоқ бўлган одамлардан таркиб топган бошқа гуруҳда эса ҳиссий билиш уч баробар кам чиқсан (25%).<sup>6</sup> Демак, энг аввало, илоҳийдан берилган истеъдод, ўтмиш адабий мерос

<sup>5</sup> Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 1 жилд. - Тошкент: Faafur Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000, - Б. 7.

<sup>6</sup> Борев Ю. Психология художественного творчества. - М., 1999. - С. 46.

билингдан дунёқараш ижодкор бадий тафак-  
курининг теран илдизи ҳисобланади.

Яна бошқа бир америкалик психолог Д. Гилфорд эса олтита рассом устида тажриба олиб борган бў-  
либ, қобилиятнинг ижод жараёнида намоён бўли-  
шини таъкидлайди. Буларга эса қуидагиларни  
киритади: фикрлаш равшанилиги, ўхшашлик ҳамда  
қарама-қаршиликлар, экспрессивлик, мослашувчан-  
лик ва керакли контурларни бадий шаклда бериш  
қобилияти ва бошқалар".<sup>7</sup>

Шоирнинг туғилиши, ҳаёт ва ижтимоий синовлар  
куршовида тобланиши, ўзлигини топиши ва ўқув-  
чилари қалбидан жой олиши – буларнинг барчаси  
ижодкор бадий тафаккури деган тушунча асосида  
бирлашади. Бунга биз ижодкор таржимаи ҳолидаги  
нуқталардан мисол топамиз: "Бир кунда икки маҳал  
сувга чиқардик, айниқса, саратон кунлари Эшонқу-  
дуққа қатнаш жуда зерикарли бўларди. Юрагим  
сиқиб кетганидан бир нималарни минғир-минғир  
қилиб ўзимни овутардим, шекиллик"<sup>8</sup>, деган қайд-  
ларда ижод учқунларини кўргандек бўламиз. Ай-  
ниқса, бўлажак шоир қалбida уйғонган илҳом ота-  
ши таъсирида дунёни дастлаб рангин кўриши, одам-  
ларнинг самимилигига ишонишини ижодкорнинг  
ҳасби ҳолидан билиб олиш мумкин. Лекин кейинча-  
лик ишонгандари томонидан етадиган кескин зар-  
балар, парда ортидаги яширин ҳаёт, ниқоб остидаги  
кутилмаган ҳақиқатлар, албатта, унинг тафаккури-  
га таъсир кўрсатади. Руҳиятида уйғонган симпатия  
ва антипатиялар образли, символистик шаклларни  
келтириб чиқаради. Бу эса ижодкор томонидан ку-  
тилмаган етук асарларни, бетакрор образларнинг

<sup>7</sup> Борев Ю. Психология художественного творчества. – М., 1999.  
– С. 47.

<sup>8</sup> Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 1 жилд. –  
Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
2000, – Б. 7.

пайдо бўлишига туртки бўлади. Шоир ёки ёзувчи атрофидаги ҳақиқатларни кузатар экан, ҳали ҳам исмсиз, тушунарсиз, яширин дунёни тобора чукурроқ билишга, ундаги жараёнларни, инсонлардаги хусусиятларни кашф этиш эҳтиёжини майдонга келтиради. "Илоҳий комедия", "Фауст", "Уста ва Маргарида" сингари асарларнинг яралиши, кейинчалик, бадиий адабиётда шекспирона назар, дантеёна танқид сингари қарашларининг келиб чиқиши фикримиз мисолидир.

Шундай қилиб, ижодкорлик, хусусан, бадиий ижод тафаккурни такомиллаштириш воситаси бўлиб хизмат қиласди. Илмий тажрибалар билан англаниши қийин вазиятларни, ҳолатларни етук санъаткор бадиий образлар воситасида оддий, равон тушунтира олиши мумкин.

Юксак ижодкорлик қобилияти ҳаммага ҳам берилмаган, лекин фольклор намуналари, миф ва афсоналар, яхшиликка етакловчи эртаклар, одамзоднинг азалий идеаллари куйланган қўшиқлар, мақол, маталлар билан мунтазам танишиб бориш тафаккур тарзига таъсир қилиши айни ҳақиқат.

*Бешик-бешик тўлқинлар той-той бўлиб чопарди,  
Кумуш ёлли қоялар соясини ёпарди.<sup>9</sup>*

Гарчи ушбу мисралар ёш шоирнинг муҳаббат мавзусидаги илк шеърларидан бўлса-да, лекин унда ўзбек миллати сўзлашув лексикасига хос атрибутларни, болаликда тинглаган эртак ва афсоналарининг замонавийлик билан қоришиқ жиҳатларини кўришимиз мумкин. Асар контекстида шоирнинг ўзи ҳам бунга ишора қилиб ўтади.

<sup>9</sup> Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000, – Б. 23.

*У сеҳрли сув қизи! Ой нурида оптоқ қор,  
Тирилдими қаршимда афсоналар ё қатор.<sup>10</sup>*

Шоир шеър финалида сув париси тимсолида ошиқ қизнинг безовта руҳига мурожаат қиласр экан, ундан саргашталиқдан чекинишни сўрайди. Воке-абанд шеър сирли афсоналарнинг назмий талқини каби таассурот қолдиради.

Абдулла Орипов тўртликларидағи фалсафий хулоса, мақолларнинг ўзига хос бадиий тасвири, ўзбек характерининг бетакрор ифодаси, аслида, юксак истеъдоднинг ҳалқ даҳоси билан уйғун намоён бўлишида изоҳланади.

*Жажжи гўдак, сен тугилдинг, сен учун  
Ким беланчак ясаб тураг шу дамда.  
Кимдир сенга учқур тулпор эгарлар,  
Кимдир сенга ҳасса йўнар шу дамда.<sup>11</sup>*

Мазкур шеър ғояси умр ҳақидаги ҳалқдонишмандлигининг намунаси ҳисобланган битиклар мазмунида ҳам учрайди. Эртаклардаги уч кунлик дунё тўғрисидаги савол-жавоблар, умрни уч фаслга ажратиш – гўдаклик, балоғат, қарилик кабиларни эсга солади. Бешик, тулпор ва ҳасса предметлари мажозий маънода қўлланилган. Абдулла Орипов лирикасида фольклор элементлари, ҳалқ оғзаки ижоди мотивлари яна кўплаб учрайди. Масалан, Афанди ва афандинамо одамлар образи шоир лирикасида ҳам мавжуд:

*Кўй етаклаб ўтди-ку бирор,  
- Менга нима, деди Афанди.  
- Сизникига қараб кетдиёв,  
- Сенга нима, деди Афанди.*

<sup>10</sup> Ўша манба. – Б. 36.

<sup>11</sup> Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000, – Б. 34.

“Афанди” шеъри диалог тарзида ёзилган бўлиб, шу кичик савол-жавобда одамлар табиатидаги қизиқувчанлик ва ҳозиржавоблик маҳорат билан кўрсатилган. Шеър латифанинг шунчаки мазмуни эмас, умуман бошқа мақсадни кўзда тутувчи асар. Бу ерда Афанди образи воситачилик вазифасида келган. Бу ерда лирик қаҳрамон ва Афанди образи уйғунлашади, унинг қадамини пойловчи шахслар қораланади.

Лекин бу билан шоир лирикаси бошдан охирига қадар халқона, бахшиёна оҳанглар билан давом этган, деган хulosага келмаслик керак. Шоир адабиётга кириб келган илк йилларда ёқ ўз мақсадини, йўлини, ижодий концепциясини белгилаб олган эди. Дастрраб, табиий равишда болалик, ўсмирилик шуурини эгаллаган халқ ижодиёти асосида шаклланган ижодий жараён кейинчалик олий таълим, ҳаётий ва ижодий тажрибалар натижасида катталашиб, улкан шеъриятга айлана борди.

*Кулма, кулма,  
Нега куласан  
Хижолат чекканинг ҳолига.  
Нега қўл тегиздинг  
Камбағалнинг  
Ўғрилардан қолган молига.<sup>12</sup>*

Халқимизда “Камбағални туяни устида ҳам ит қопибди” мазмунидаги мақол мавжуд. Бу мақол орқали ҳокисор инсон доимо мазлумликка маҳкум деган ҳукм бор. Шоир мана шу мақолни бироз бошқачароқ, ижтимоий воқеликка кучли эътиroz тарзида назмий тақдим этган. “Кулма” буйруқ майлидаги феълнинг такори ва кулган кимсага қаттиқ маломат орқали шоирнинг халқпарварлик туйғуси намоён бўлади.

<sup>12</sup> Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000, – Б. 25.

Кулаётган аслида, ўғрининг ўзи, шеърдаги камбағал эса шоир ижод қилаётган дамдаги таланаётган миллатдошининг типик образи эди. Шоир истеъдодли рассом ўлароқ халқнинг ижтимоий ҳолатини маҳорат билан тасвирлайди. Қалбида "ўғрига" уйғонган нафрат, аслида, онаси, отаси, ака-укаси, жигарбандлари, маҳалладошлари – халқига бўлган муҳаббатдан сизиб чиқкан. Шеърни ички икки структурага ажратиш мумкин:

1. Танқид, танбех (илк уч сатри).
2. Чорасизлик, изтироб (кейинги уч мисра).

"Кулма, кулма, нега куласан?" шеъри 1960 йилда ёзилган. Тўла сарбаст эмас, сарбастнамо дейиши-мизнинг сабаби шундаки, мазкур тўртликнинг 1-, 2- ва 4-мисралари 9 ҳижоли, 3-мисраси 10 ҳижоли. Бундай ярим эркинлик, вазнда юзакилик юзага келса-да, мазмунни ўз ҳолига "қўйиб бериш", сарбаст аралашган бармоқ жадид шоирлари ижодида кўп учрайди<sup>13</sup>. Халқ ижодиётидан илҳомланиш муайян ижодкор асарларида бўлиши табиий. Тўғри, асар фольклор мотивларини тўлиқ акс эттирмаслиги мумкин, лекин айрим шакллари учраши муқаррар. Юқоридаги кичик асарда ана шундай халқ донишмандлиги мужассам.

Демак, ижод йўлининг аввалидаёқ шоир ўзига хос услугни, умуминсоний мавзуларни, фалсафий му-шоҳадани дастуруламал деб билди. Лирикасида шоирнинг руҳияти, драматизмга бой ички дунёси, но-зик ва ўз навбатида қатъий туйғуларининг соялари кўриниб туради. Абдулла Орипов фавқулодда закий, самимий инсон, юксак ижодий маҳорат ва бадиий-ликка эга шоир сифатида замондошларидан анча илгарилаб кетган эди. Шунинг учун ҳам адабиётшунослар, мухлислар ва шогирдлар янги ўзбек шеъри-

<sup>13</sup> Бу ҳақда қ.: Афоқова Н. Жадид шеърияти поэтикаси. – Т.: Фан, 2005. – 67 б.

ятига қўшган ҳиссаси қаршисида мудом ҳайрат ва эътирофадир.

"Абдулла Орипов ўзбек адабиётини янги босқичга кўтарган нодир истеъдод соҳиби эди. Унинг юксак бадиий, теран фалсафий шеърлари халқимиз қўнглидан чуқур жой олган. Драматик ва публицистик асарлари, достон ва таржималари адабиётимиз ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган. Абдулла Орипов Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг муаллифи сифатида халқимиз қалбида мангу яшайди"<sup>14</sup>.

Шоир ўзбек миллатига хос хусусиятларни, халқ дошишмандлигининг айрим эпитетлари, метафора ва ўхшатишларни бутун ижоди давомида фаол қўллади.

*Ўнг қовоғим учди-ё,  
Чап қовоғим учди-ё.  
Узоқдаги шоир ўғли  
Кимнинг ёдига тушди-ё.*

ёки,

*Ҳар битта бандани ташвишга солмиш  
Насиба аталмиш тақдирнинг иши.  
Бутун нон устида тирноғин олмиш  
Ҳали чиқмасидан гўдакнинг тиши.*<sup>15</sup>

Абдулла Ориповнинг ilk шеърий машқлари 2021 йилда "Шоирнинг туғилиши" номи остида шоир таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан нашр қилинди. Бу тўплам ilk шеърларининг мухлисларга тақдим этилгани билан қадрлидир. Шоирнинг дастлабки ижод

<sup>14</sup> Мирзиёев Ш.М. Одамлар яхши яшаши учун зарур шароитлар яратиш – барча раҳбарларнинг асосий вазифасидир // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017 йил, 28 февраль.

<sup>15</sup> Қадимий таомилга кўра чақалоқнинг ilk тирноғи бутун нон устида олинган ва кўчага сепиб юборилган. Бу ризқинг бутун бўлсин ва уни териб егин деган маънони билдирган. Шоирнинг қайди.

*Қабристонга, демангиз, тирик келди, ёр-ёр,  
Қувонтириб бизларни, ўлик келди, ёр-ёр.<sup>18</sup>*

ХХ асрнинг 1960-1970 йиллари ўзбек адабиёти хронологик жиҳатдан ўрганилганда, давр шеъриятининг қатъий чегараларини Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповларнинг ижоди бошлаб берганига амин бўламиз. Негаки, ҳар икки ижодкордаги туйғуларнинг очиқлиги ва самимийлиги, инсон ғояси, адабий-эстетик мезонлар нуқтаи назаридан концептуаллик кейинги адабиётга ижобий таъсир кўрсатди. Абдулла Ориповнинг шеъриятнинг асл табиатига монанд миллат, она юрт, маънавият илдизлари, муҳаббат, иймон-эътиқод, умр мазмунига тааллуқли поэтик мулоҳазалари контекстида битиклари асл поэтик тафаккурни уйғотди. Шоирнинг “Софлик ғояси” – самимият, комиллик, асллик каби тушунчалари турли йилларда турли ҳолатларда намоён бўлди.

---

<sup>18</sup> Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 1 жилд. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000, - Б. 197.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар:**

1.1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: O'zbekiston, 2016. - 32 б.

1.2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. - Тошкент: O'zbekiston, 2017. - 483 б.

1.3 Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёвнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. - 2017 йил 4 август.

1.4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаронлигининг гарови. - Тошкент: O'zbekiston, 2017. - 32 б.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони // Халқ сўзи. - 2017 йил 8 февраль.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори // Халқ сўзи. -2017 йил 21 апрель.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёвнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. - 2017 йил 20 сентябрь.

1.8. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. - 592 б.

### **II. Илмий-назарий адабиётлар**

2.1. Абу Али ибн Сино. Шеър санъати. - Тошкент: F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат, 1980.- Б.129.

2.2. Адабиёт назарияси. Икки томлик. Адабий асар. - Тошкент: Ўқитувчи, 1978. - Т. I. - 414 б.

2.3. Адабиёт назарияси. Дарслик: / Ҳ. Умурев. - Тошкент: Шарқ, 2002. - Б. 251.

- 2.4. Адабиёт назарияси. Дарслик: / И. Султон. - Ташкент: Ўқитувчи, 2005. - Б. 270.
- 2.5. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. - Ташкент: Фан, 1992. -Б. 248.
- 2.6. Адабиётшунослик луғати / Д.Куронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. - Ташкент: Академнашр, 2010. - Б. 397.
- 2.7. Адабиётшуносликка кириш: / Э. Худойбердиев. - Ташкент: Шарқ, 2008. - Б. 365.
- 2.8. Ақрамов Б. Оламнинг бутунлиги: - Ташкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. - Б.183.
- 2.9. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. - Т.: Янги аср авлоди, 2011. -350 б.
- 2.10. Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. - Бухоро.: 1994. - 100 б.
- 2.11. Ашурова Г. Тимсол - сўз ва маъно асоси. - Т.: Янги аср авлоди, 2006. - 80 б.
- 2.12. Белинский В. Танланган асарлар. - Т.: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1955. - 511 б.
- 2.13. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. - Ташкент: Ўзбекистон, 2002. - Б. 559.
- 2.14. Борев Ю. Эстетика. Теория литературы. Т.4. Литературный процесс. - М.: Наследие, 2002. - 624 с.
- 2.15. Введение в литературоведение: Под ред. Г.Н. Попелова. - 3-е изд., испр. и доп. - М.: Высш. шк., 1988.- 441 с.
- 2.16. Введение в литературоведение: Учеб. пособие/ Под ред. Л. В. Чернец. - М.: Высшая школа, 2004. - 625 с.
- 2.17. Воҳидов Р., Ҳошимова М. Шеърият - шоир юраги. - Т.: Фан, 1987. - 68 б.
- 2.18. Ғаниев И, Афоқова Н. Абдулла Ориф фалсафаси. - Т.: Muharrir, 2021. - 308 б.
- 2.19. Ғаниев И., Афоқова Н. Озод рух фалсафаси. - Т.: Фан, 2007. - 151 б.
- 2.20. Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. - 184 б.
- 2.21. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: муаллиф, жанр, хронотоп. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. - 354 б.
- 2.22. Гарин И. Пророки и поэты. - М.: Терра, 1992. - 751 с.
- 2.23. Каримов Ҳ. Истиқлол даври адабиёти. - Ташкент: Yangi nashr, 2010. - Б. 364.

- 2.24.** Каримов Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б. 364.
- 2.25.** Квятковский А. Поэтический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – 182 с.
- 2.26.** Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Т. Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 419.
- 2.27.** Мустақиллик даври адабиёти. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 288.
- 2.28.** Мели С. Глобал талқин поэтикаси. – Т., Фан, 2000. – 210 б.
- 2.29.** Мели С. Сўзу сўз. – Т., Шарқ НМАКБТ, 2020. – 528 б.
- 2.30.** Nikolson R.F. Literary History of the Arabs. London, 1903.
- 2.31.** Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000. – Б.112.
- 2.32.** Раҳимжонов Н. Истиқлол даври ўзбек адабиёти. – Тошкент, 2012.
- 2.33.** Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърияти. – Тошкент: Фан, 2007. – Б.260.
- 2.34.** Раҳмонов Н. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Энг қадимги даврлардан XV асрнинг биринчи ярмигача). Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2014. – Б. 224.
- 2.35.** Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: 2004.
- 2.36.** Сирожиддинов Ш., Юсупова Д., Давлатов О., Навоийшунослик. – Тошкент: Тамаддун, 2018. – Б. 520.
- 2.37.** Словарь литературоведческих терминов. – М.: Просвещение, 1974. – С. 123.
- 2.38.** Султон Иззат. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986. –Б. 408.
- 2.39.** Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари/Монография. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 200.
- 2.40.** Тамарченко Н.Д. Теория литературы. В.двух томах. Учебное пособие. 3-е издание. – М.: Академия, 2008. – 512 с.
- 2.41.** Уоррен О, Уэллек Р. Теория литературы. – М.: Прогресс, 1987. – 325 с.

- 2.42. Фитрат. Адабиёт қоидалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.109.
- 2.43. Храпченко М. Творческая индивидуальность писателя и развития литературы. – М.: Мысль, 1969. – 399 с.
- 2.44. Шарафиддинов О. Шеърият қалб ёлқини // Ҳаёт билан ҳамнафас.- Тошкент, 1983. – Б.155-168.
- 2.45. Шермуродов Т. Жозиб изҳор излаб. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – Б. 256.
- 2.46. Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси илмий нашриёти, 2004. – 209 б.
- 2.47. Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2013. – 408 б.
- 2.48. Қўшжонов М. Онажоним шеърият. – Тошкент, 1984.
- 2.49. Қўшжонов М., Сувон Мели. Абдулла Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2000.
- 2.50. Ғафуров И. Лириканинг юраги. Адабий ўйлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1982. – Б. 224.
- 2.51. Ғафуров И. Шеърият-изланиш, курашчанлик демакдир. – Тошкент, 1984.
- 2.52. Ҳамдамов У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 196.
- 2.53. Ҳаққул, Иброҳим. Ирфон ва идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998. – Б. 160.
- 2.54. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 240.
- 2.55. Ҳусаний Атоуллоҳ. Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1981. – Б.172.

### **III. Диссертация ва авторефератлар**

3. 1. Абсамиев Х. Традиция и новаторство в узбекской советской поэзии 60-70 годов. – дисс. на соиск... канд.филол.н. – Т.: 1986. – 20 с.
3. 2. Акрамов Б. Проблема поэтического образа в современной узбекской лирике (60-е-80-е годы): Автореф. дисс... докт.филол.наук. – Т.: 1991.
3. 3. Алиев Б. Ҳозирги ўзбек шеъриятида психологизм муаммоси: Филол.фанл.номз... дисс.автореферати. – Т.: 1994. – 26 б.

3. 4. Алдашева Ширин. 70-90-йиллар ўзбек лирикасида гўртлик, саккизлик ва шеърий туркум табиати: Филол. фан.б.фалс.док.дисс... - Тошкент, 2019. - 154 б.
3. 5. Алиев Б. Ҳозирги ўзбек шеъриятида психологизм проблемаси: Филол. фан. номз. дисс... автореф. - Тошкент, 1994.
3. 6. Афокова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар: Филол. фан. номз. дисс... автореф. - Тошкент, 1997.
3. 7. Ашуррова Г. Абдулла Орипов шеъриятида анъана ва бадиий маҳорат (образ, ғоя ва тасвир): Филол. фан. номз. дисс... автореф. - Тошкент, 2008.
3. 8. Ахмедов Ҳ. Ўзбек адабиётида насрый шеър: Филол.фан.номз... дисс. - Т: 1995.
3. 9. Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеъриятида психологик тасвир маҳорати: Филол. фан. док. дисс... автореф. - Тошкент, 1999.
3. 10. Норбоев Б. Ҳаётни поэтик талқин этиш тамо-йиллари ва маҳорат муаммолари: Филол. фан. док. дисс... автореф. -Тошкент, 1996.
3. 11. Раҳмонова М. Абдулла Орипов шеъриятида бадиий бутунлик: Филол. фан. номз. дисс. автореф. - Тошкент, 1998.
3. 12. Тўлаков И. Ҳозирги ўзбек лирикасида давр ва қаҳрамон талқини:Филол. фанлари док. дисс... автореф. - Тошкент, 1994.
3. 13. Эрназарова Г. Ҳозирги ўзбек шеъриятининг медитатив табиати: Филол. фан. док. дисс... автореф. - Тошкент, 2020.
3. 14. Эрназарова Г. XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадиий талқини: Филол. фан. номз. дисс... автореф. - Тошкент, 2001.
3. 15. Қосимов Я. Ўзбек шеъриятида поэтик фикрнинг янгиланиши: Филол. фан. номз. дисс... автореф. - Тошкент, 1991.
3. 16. Кувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек достон-чилигининг тараққиёт хусусиятлари: Филол. фан. док. дисс... Тошкент, 2016.
3. 17. Курбонбоев И. 90-йиллар ўзбек шеъриятида образлилик: Филол. фан. номз. дисс... автореф. - Тошкент, 2005.

3. 18. Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеъриятида халқона поэтик тафаккур муаммоси. Филол. фан номз. дисс... автореф. - Тошкент, 2011.

#### IV. Адабий манбалар

4. 1. Афоқова Н. Бизнинг эра. - Тошкент: IJOD-PRESS, 2019. - Б. 272.
4. 2. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. - Тошкент: Фан, 1990 й. -Б. 24.
4. 3. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар. 20 жилдлик. 8-жилд.- Тошкент: Фан, 1991. - Б. 595.
4. 4. Навоий Алишер. Ҳамса. Ҳайрат ул-аброр. Тошкент: Фан, 1994. - Б. 262.
4. 5. Орипов А. Йиллар армони. - Т.: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. - 592б.
4. 6. Орипов А. Дунё. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. - 56 б.
4. 7. Орипов А. Мехр: тўртликлар. - Т.: Шарқ, 2004. - 80 б.
4. 8. Орипов А. Ҳикмат садолари. - Т.: Фан, 1993. - 104 б.
4. 9. Орипов А. Адолат кўзгуси. - Т.: Адолат, 2005. - 400 б.
4. 10. Орипов А. Кўзтумор. - Т.: Маънавият, 2005. - 120 б.
4. 11. Орипов А. Қуёш бекати. - Т.: Sharq, 2010. - 384 б.
4. 12. Орипов А. Менга хушхабар айт. - Т.: Маънавият, 2009. - 128 б.
4. 13. Орипов А. Митти юддуз. - Т.: Маънавият, 2002. - 40 б.
4. 14. Орипов А. Муножот - Т.: Ғафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. - 429 б.
4. 15. Орипов А. Нажот қалъаси. - Т.: F.Гулом номидаги АСН, 1980. - 280 б.
4. 16. Орипов А. Сайланма. - Т.: Шарқ, 1996. - 464 б.
4. 17. Орипов А. Талош палласи. - Т.: Маънавият, 2007. - 104 б.
4. 18. Орипов А. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1-жилд. - Т.: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. - 432 б.
4. 19. Орипов А. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 2-жилд. - Т.: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. - 496 б.

4. 20. Орипов А. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 3-жилд.  
- Т.: Г.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.  
- 384 б.
4. 21. Орипов А. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 4-жилд.  
- Т.: Г.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000.  
- 384 б.
4. 22. Орипов А. Танланган асарлар. 7-жилд. - Т.: Г.Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. - 300 б.
4. 23. Орипов А. Танланган асарлар. 8-жилд. - Т.: Г.Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. - 324 б.
4. 24. Орипов А. Ҳаж дафтари. Ҳикмат садолари. - Т.: Шарқ, 1992. - 64 б.
4. 25. Орипов А. Ҳайрат. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. - 80 б.
4. 26. Орипов А. Шоир юраги. - Т.: Маънавият, 2003. - 112 б.
4. 27. Орипов А. Юзма-юз. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
4. 28. Орипов А. Муборак ҳаж йўлларида. - Қарши: Насаф, 1992. - 72 б.
4. 29. Орипов А. Юртим шамоли. - Т.: Ёш гвардия, 1976. - 224 б.
4. 30. Бегимқулов Д. Шеъриятимиз юлдузи. - Орипов А. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент: Адабиёт ва санъат. 2000.
4. 31. Бегимқулов Д. Соҳир шеърият /Абдулла Орипов. Адолат кўзгуси. - Тошкент: Адолат, 2005. - Б.386-396.
4. 32. Жабборов Н. "Ўткан кунлар"да миллий руҳ ифодаси //Филология масалалари, 2020, 2-сон. Жабборов Н. Киноя ва рамзлар замиридаги ҳақиқат / Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. III китоб. - Тошкент: Мумтоз сўз, 2014.
4. 33. Жабборов Н. Эркин Аъзамнинг ижод тутуми // Ёшлик, 2020.
4. 34. Жабборов Н. Гўзал ташbih, сирли руҳ / Озод Ватан саодати: Беш жилдли, 5-жилд. - Тошкент: Адиб, 2013.
4. 35. Жабборов Н. Уфқقا ташланган кўприк // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2015 йил 20 март.
4. 36. Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърият. - Тошкент: Г.Гулом номидаги адабиёт ва санъат, 2015. - Б. 304.

4. 37. Жабборов Н. Маоний аҳлининг соҳибкорини. - Т.: Adabiyot, 2021. -Б.238.

4. 38. Йўлдошев К. Ҳикмат жилвалари /Абдулла Орипов, Эверест ва уммон. - Тошкент: Ўзбекистон, 2015. -б. 318-329.

4. 39. Шодмонов Н. Шоир ижодининг олимос кирралари / Ўзимники эзур шу созим. Илмий-амалий конференция материаллари. - Қарши: ҚарДУ нашриёти, 2011.

4. 40. Қосимов Б. Абдулла Ориповнинг ижод мақтаби. /Ўйғонган миллат маърифати. - Тошкент: Маънавият, 2011.

## V. Интернет сайatlari

5.1. <http://dic.academic.ru>

5.2. <https://www.worldcat.org/wcidentities/lccn-n85116178>

5.3. <http://feb-web.ru>

5.4. <http://files.school-collection.edu.ru>

5.5. <http://natlib.uz>

5.6. <http://slovar.lib.ru>

5.7. <http://www.traktat.com>

5.8. <http://ru.wikipedia.org>

5.9. <http://ziyonet.uz>

5.10. <https://www.williamshakespeare.net/hamlet.jsp>

5.11. <https://www.w3.org/People/maxf/XSLideMaker/hamlet.pdf>

5.12. [www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare\\_20.html](http://www.theatre-library.ru/files/sh/shakespeare/shakespeare_20.html)

5.13. [https://studbooks.net/.../russkie\\_perevody\\_gamleta\\_sposoby\\_adaptatsii\\_star](https://studbooks.net/.../russkie_perevody_gamleta_sposoby_adaptatsii_star)

5.14. [https://studbooks.net/772351/literatura/russkie\\_perevody\\_gamleta](https://studbooks.net/772351/literatura/russkie_perevody_gamleta)

5.15. <https://www.britannica.com/biography/James-Joyce>